Кучли адолатли, адолат эса кучли бўлмоғи лозим ғоясини илгари сураётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси номзодларига овоз беринг.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 50-son (1271) ● 2019-yil 13-dekabr, juma




## Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг хориждаги ватандош-сайловчиларга МУРОЖААТИ

*Сайлов ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқини амалга оширувчи имконият ҳисобланади. Айни пайтда ватандошларимизнинг бу муҳим сиёсий жараёнда фаол қатнашишлари учун давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.*

*Дунёнинг турли мамлакатларида бир неча миллион Ўзбекистон фуқароси борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП уларнинг манфаатини четлаб ўтолмайди.*

*Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, биз илгари сураётган ғоя ва мақсадлар чет элда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳам бевосита алоқадор.*

*Жаҳон социал-демократиясининг бош шиорларидан бири — Бирдамлик. Шунга мос равишда Сайловолди дастуримизда меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш устувор вазифаларимиз қаторида қайд этилган. Биз барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларининг мамлакатимиз қонунчилигида акс этиши ва қўлланиши чораларини кўрамиз. Шу жумладан, "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқамиз.*

*Хориждаги ватандошларимиз! Биз ҳар бирингизни эшитишга, сиз билан мулоқотга киришишга тайёрмиз! Агар сиз партиямиздан кўрсатилган номзодга овоз берсангиз, биз парламентда кўпчилик ўринга эга бўламиз! Сайловчи сифатида сиз овоз берган округдаги депутатингизга мурожаат қилишингиз, таклифлар беришингиз мумкин.*

*Биз сизлардан сайловда фаолликни кутиб қоламиз ва "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз беришга чақирамиз. Зеро, хориждаги ватандошларимиз ҳам илдизи сув ичган жой — она Ватанига бефарқ эмасликлари аниқ.*

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**






**Қодир ЖЎРАЕВ**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 31-Вобкент сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

## Партиямиз фаол ташқи сиёсат, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик тарафдори

Маълумки, ҳозирги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимиз тараққиёти ва юрт фаровонлигига дахлдор кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари, шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритаётган натижаларини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаётгани қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

3



**Ботир ТУГАЛОВ**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 70-Ургут сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

## Бизнинг мақсадимиз — ҳуқуқий ижтимоий давлат

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси навбатдаги сайловда мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган юздан ортиқ муҳим ташаббуслар қаторида "Ҳуқуқий ижтимоий давлат" барпо этиш ғоясини илгари ҳам сурмоқда.

Тўғри, мазкур ғоя давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган даврдан бошлаб асосий мақсадга айланган, аввалги Сайловолди платформаларимизда ҳам ўз аксини топган эди. Лекин бугунги шиддатли ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ҳам у янгича мазмун билан бойиши, энг муҳими, устувор ғоя сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолиши ҳамда амалга татбиқ этилиши зарур.

### МУНОСАБАТ

Ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни юқори кайфият билан кутиб оламиз, ўзгача шукуҳда байрам қиламиз. Бу бежиз эмас. Унинг қадр-қимматини, аҳамиятини ҳар биримиз дил-дилдан ҳис этамиз. Чунончи, Конституция мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезонидир.

## Конституция — бирдамлик занжири

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини меҳр-муҳаббат ила, қалбан интиқлик билан қарши олдик, бутун вужудимиз билан тингладик.

Дарвоқе, Президентимиз томонидан келтирилган пурмаъно иқтибос кўнглимиздаги гап бўлди. "Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "**Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади**", деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади". Дарҳақиқат, давлатнинг эркин ва адолатли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат бўлишида Конституциянинг аҳамияти чексиз. Зеро, давлат қурилишида Конституция ва қонунлар устувор бўлар экан, мамлакатда тараққиёт бўлади, адолат бўлади, фаровонлик бўлади. Бу эса, эртанги кунига ишонч билан яшаётган халқимиз учун жуда муҳимдир.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Президентимиз маърузада ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжудлигини эътироф этди. Жумладан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегия яратиш таклифини ўртага ташлади. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари" номли махсус ўқув курсларини жорий этиш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

6

### ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

## Фуқаролар манфаати ҳимоя қилиниб, уларга қулайликлар яратилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия экспертлари ва фаоллари, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда давлат божи, солиқ сиёсати ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

7

### ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

## Ўзимизнинг пулимизни қачон оламиз?

Мен қишлоқ хўжалигида 49 йилдан бери ишлаб келаман. Оддий тракторчиликдан иш бошлаган эдим. Ўтган йиллар мобайнида мен раҳбарлик қилган бригада, ҳозирда эса фермер хўжалиги ҳар доим давлат режасини ортиғи билан бажариб келган. Мана, 25 йилдирки, пахта билан бир қаторда ғалла режаларини ҳам узлуксиз бажариб келамиз.

8

Мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим сиёсий жараён, яъни парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайлов арафасида турибмиз. Сайловга ҳар бир сиёсий партия ўзига хос мақсадлар, ғоялар, ташаббуслар, мамлакатдаги мавжуд муаммолар ечими юзасидан ўзларининг таклифлари ва уларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан кириб келди.

# Рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш муҳим вазифа

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси навбатдаги сайлов арафасида мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган юздан ортиқ муҳим ташаббуслар қаторида мамлакатда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида ҳам ўз таклифларини эълон қилди.

Аввало, биз мамлакат иқтисодиёти соҳасининг айрим секторларидаги тадбиркорлик субъектларига солиққа тортиш борасида локал имтиёз ва преференциялар берилишини маъқулламаймиз. Биз адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз. Мамлакатимизда тадбиркорлар ўртасида соғлом ва адолатли рақобатни таъминлаш, барча тадбиркорлик субъектлари учун тенглик тамойили асосида солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солиш самарали тизимини шакллантириш орқали рақобатбардош ишлаб чиқариш рағбатлантирилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Мамлакатимизнинг инвестициявий мухитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш, янги солиқ ислоҳотларини тизимли жорий этиш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш масалалари, Солиқ кодексининг янги таҳририни тайёрлашда, ундан жой оладиган ҳуқуқий нормалар тадбиркорларга, солиқ тўловчиларга солиқдан қочишни эмас, балки солиқ тўлагани учун рағбатлантирилишини ва бу билан ўзининг фуқаролик бурчини бажараётганини билиши учун содда, аниқ ёзилишга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат бюджети мабағлари билан бир қаторда сармоядорлар маблағидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, ушбу ташкил қилинган йирик ишлаб чиқариш қувватларини кейинчалик босқичма-босқич сармоядорларга сотиш орқали бошқарувни тўлиқ улар ихтиёрига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, яна бир ўта муҳим масала, яъни молиявий кўмак сифатида банклардан кредит олган кўплаб тадбиркорларнинг лойиҳалари бўйича ер ажратиш, инфратузилмага уланиш, рухсатнома олиш, дастгоҳларни келтириш ва бошқа турли масалаларга доир муаммолар борлиги сабабли режалаштирилган лойиҳалар амалга ошмай қолмоқда ва бунинг натижасида берилган кредитларнинг қайтарилишида муаммолар юзага келмоқда. Шу боис “Адолат” СДП муаммолари бўлгани учун тўлиқ амалга оширилмаётган лойиҳалар аниқланиши ва бу борада тижорат банклари ҳам иш услубини тубдан ўзгартириб, ўз мижозлари билан ҳақиқий маънода бизнес-ҳамкор сифатида ишлаши керак, деб ҳисоблайди.

Биз янги инновацион технологияларга асосланган иқтисод — мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши асоси ва гарови, деб биламиз.

Биз илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича давлат инновацион сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Устувор вазифаларимиз орасида — рақамли технологиялар базасида иқтисоднинг барча соҳаларини янгилашни кўзлаган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мавжуд. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлилларга кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради.

“Адолат” СДП инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, иқтисодиёт тармоқларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳалар жорий этилишини қўллаб-қувватлайди ва бу масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Бизнингча, энергетика секторининг асосий драйвери, бу қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳаси бўлиши керак. Мақсадимиз — олдимизга қўйган мақсадларга биноан, юзага келтирувчи қувватлар тузилмасида қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 2025 йилгача 20 фоизгача чиқариш, бунда келажак авлодни жиддий экологик хавф-хатарлар ва етишмовчилик таъсирига туширмасдан, ўсишнинг самарали ресурс моделига тезлик билан ўтишни таъминлаш лозим.

**Биз муқобил энергетикани (қуёш энергетикаси, кичик дарёлар, сув омборлари ва каналларнинг гидросалоҳияти, биогаз энергияси ва бошқалар) жорий қилиш ва рағбатлантириш дастурини қабул қилишни таклиф қиламиз.**

Биз учун «яшил иқтисодиёт» — бу қишлоқ хўжалигида жонли деҳқончилик демакдир. Биз синтетик пестицидлар (“ақлли” ўғитлар), турли ем қўшимчалари, ҳосилдорликни таъминлаш, маданий экинларни етиштиришда органик ўғитлардан оқилона фойдаланиш тарафдоримиз. Биз ривожланган демократик мамлакатларнинг экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари саноатини рағбатлантиришнинг турли механизмларини қўллаш соҳасидаги тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек, улар томонидан йўл қўйилган хатоларни чуқур таҳлил қилиш орқали хулосалар чиқарган ҳолда миллий ишлаб чиқарувчиларимизни қўллаб-қувватлашни таклиф қиламиз.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг иқтисодини рақобатбардош, барча ишлаб чиқарувчиларга тенг имкониятлар таъминланган, ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити асосий мезон бўлган, чет эл сармоядорларига ҳам тенг ишбилармонлик муҳити асосида фаолият олиб боришлари кафолатланган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, кучли “ҳуқуқий-демократик давлат” сифатида ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилиш биз учун энг олий ва шарафли вазифадир.



**Муҳаммад ИСКАНДАРОВ**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 117-Урганч сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**




# Янгиланишлар эҳтиёжи

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат − қонун устуворлигида” тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш “Адолат” СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

“Адолат” СДП асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонуности хужжатларнинг сони ва доирасини қисқартиришга интилади. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари партия депутатлик корпуси қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади. Партия давлат бундан кейин ҳам инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли кафолати бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди.

“Адолат” СДП адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайиши тарафдори. Айни пайтда биз жамиятда янада катта ўзгаришлар юзага келиши ҳамда фуқароларга кўмак кўрсатилиши учун ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг оқилона ва самарали сарфланишини ёқлаймиз.

Партия кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Биз ўзимизни анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Партиямиз, унинг фаоллари, шу жумладан, Олий Мажлисга партиямиздан сайланган депутатлар ҳам бу мақсад ва вазифаларни адо этиш учун астойдил интилишиб, Ватанимиз равнақига, унинг жаҳондаги энг илғор, демократик давлатлар қаторидан ўзига муносиб жой олишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳа, бу борада қилинган ишлар талайгина, аммо бажарилиши лозим бўлганлари ундан ҳам кўп. Шу жиҳатдан олганда сайлов кампаниясида иштирок этаётган партиямизнинг Сайловолди платформаси билан биринчи танишгандаёқ унинг ўз ғояларига содиқ қолгани, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг манфаатини кўзлаб ишлайдиган, мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз равнақи, эл фаровонлигини ўз фаолиятининг тамал тоши қилиб оладиган, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қиладиган, ҳуқуқий давлатни тезроқ қуриш тарафдори эканлигини пайқаш қийин эмас. Шунинг билан бирга, Дастурда бу мақсадларга етиш учун қандай ишларни қилиш лозимлиги, нималарга диққатни кўпроқ қаратиш зарурлиги ҳам аниқ белгилаб берилган.

Ўз навбатида, Дастурдаги ғоялардан келиб чиққан ҳолда баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Назаримда, янги таркибга сайланадиган Олий Мажлис депутатлари баъзи зарур қонунларни қабул қилишлари керак бўлади. Жумладан, жамиятимизнинг таянчи бўлган аёлларимизнинг иш стажларини ҳисоблашда адолатни тиклаш пайти келди. Мен аёлларга болалари 2 ёшга тўлгунича бериладиган ҳақ тўланмайдиган таътилнинг пенсияга чиқаётган аёлнинг умумий меҳнат стажига киритилмаётганини назарда тутаяпман. Бундай тартибни қонун чиқариб, бартараф этиш керак. Келинг, ҳозир дунёни ўз кашфиётлари билан лол қилаётган японлардан ўрнак олайлик. Ахир, улар уйда болаларига қараб ўтирган, ёзишни, чизишни, ўқишни ўргатаётган аёлларга маош тўлаяптилар. Наҳотки, ўзбек аёллари болага қараб ўтказган 2 йилни меҳнат стажи деб ҳисобланишига лойиқ бўлишмаса?

Касаллик варақаларига ҳақ тўланишини, мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамма субъектлар учун мажбурий қилиб белгилаш ҳақида қонун қабул қилинса, яхши бўларди. Ҳозир бу иш берувчининг ихтиёрига ташлаб қўйилган. Ғазнасида сичқон ҳассасига таяниб турган корхона, фермер хўжалиги раҳбари бу ваколатдан фойдаланиб, касаллик варақаси бўйича ҳақ тўламасликка интилмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Тўлашга маблағи бўлмаган субъектларга айнан шу мақсадларга ишлатиш учун кредит, ссудалар бериш тартиби ҳам белгилаб қўйилса, нур устига нур бўларди.

Собиқ шўролардан мерос қолган бир нуқсонимиз: танқид қилган одамга қасд қилишдан қутулишимиз қийин бўлаяпти. Бунинг давоси сифатида ҳам битта қонун қабул қилиниб танқид учун тазйиқ ўтказиш, таъқиб қилиш исботланганда, бундай раҳбар, мансабдор шахснинг лавозимдан бўшатилиши ва албатта, жиноий жавобгарликка тортилишини белгилаб қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, нархлар ва тарифларни оширишни, пасайтириш қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳозир нархлар ва тарифлар, аҳамият беринг, Молия вазирлигининг декларациясига биноан оширилаяпти. Бундай ваколатни бу вазирликка ким берган? Бу иш нимага асосан ва қандай мақсадда амалга оширилаётгани йўл-йўлакай исботланиб эмас, шунчаки қайд этилиб кетилаяпти, холос. Бу ваколат Олий Мажлисга ўтказилгач, ҳар гал нархлар ва тарифлар ўзгарганида, бу ташаббус билан чиққан вазирлик, идора ўз фикрини депутатларга исботлаб бериши, ҳамма ҳисоб-китобларни тақдим этиши, нархларнинг ва тарифларнинг оширилиши халқнинг реал даромадларининг, турмуш даражасининг пасайиб кетмаслигини далиллаб бериши шарт эканлиги белгилаб қўйилса яхши бўларди.

Ва, ниҳоят, олий ўқув юртларига давлат грантлари асосида кирган талабаларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қонуности ҳужжатини қабул қилиш зарур. Унда олий ўқув юрти ректорига ҳар бир семестр якунига кўра (ўқув йили эмас, айнан семестр якунига кўра) имтиҳон ва синовлардан биттасини топширмаган талабани давлат грантидан контракт шартномаси асосида ўқийдиган талабалар сафига тушириш ва аксинча, контракт асосида ўқиётган ва семестрнинг ҳамма синовлару имтиҳонларидан яхши ва аъло баҳоларда ўтган талабани унинг ўрнига грант асосида ўқитишга ўтказиш ваколатларини бериш кўзда тутилса, ижтимоий адолат яна бир соҳада қарор топган бўларди, деб ҳисоблайман.

Сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиб, мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятига вакил бўлиб сайланадиган партиямиз вакилларининг юрт ва эл фаровонлигини, тинчлиги ва тараққиётини таъминлайдиган қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва улар ижросини ташкил қилишда фаоллик кўрсатишларига эса шубҳа бўлиши мумкин эмас.



**Музаффар МАМАДАЛИЕВ**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 9-Андижон сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

# Муаммолар ечимига эътибор қаратилмоқда

Бугун мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимларига алоҳида эътибор қаратиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам айни шу мақсад йўлида халқ дарди ва муаммоларига жиддий ёндашган ҳолда, уларнинг амалий ечимларига бўлган эътиборни кучайтирмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида парламентлик демократияси олий мақсад сифатида таъкидланган. Албатта, партия халқ ҳокимияти принципини изчил амалга ошириш, парламентаризмни тўлиқ ривожлантириш, парламентлик демократиясининг замонавий институтларини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида ҳокимиятнинг вакиллик органлари ролини кучайтириш мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблайди. Қолган барча вазифаларни эътибор марказидан четда қолдирмаган ҳолда, қуйидаги икки муҳим масалага алоҳида тўхталиб, ташаббус ва таклифлар таъкидланган: биринчиси — жамиятда адолат, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, иккинчиси — аҳоли соғлиғини сақлаш. Ўзбекистон «Адолат» СДП адолат ғоялари ва принциплари, адолатли қонун ва суд-ҳуқуқ тизими жамият ва давлат, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётида ўз аксини топиши тарафдоридир.

Партия депутатнинг сайловчилар ҳамда ўзи номзод сифатида кўрсатилган сиёсий партия олдида масъулиятини оширишга, халқ билан доимий мулоқотга ундайди. “Электрон парламент” мақсадли дастурини амалга оширишда давом этиш, фуқаролар ва барча даражадаги вакиллик ҳокимият органлари орасида доимий мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш тарафдоридир.

Партия ҳокимиятнинг маҳаллий даражаси ваколатларини кучайтириш ва кенгайтириш — аҳолининг ҳаётий муҳим муаммоларини ечишда энг ишончли ва тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Партия ўз олдига халқ дарди билан яшаш ва унинг соҳаларда мавжуд муаммоларини ҳал этиб беришни мақсад қилиб қўйган экан, ушбу мақсад асосида лойиҳалар доирасида аҳоли билан мустаҳкам мулоқот қилиш тизимини ҳам ўрнатган. Партиянинг “Адолат — қонун устуворлигида”, “Саломатлик йўлида бирлашайлик”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” сингари қатор лойиҳалари доирасида аҳоли мурожаатлари, шунингдек, тиббиёт ходимлари, халқ таълими тизими вакилларининг муаммолари ўрганилди, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди. Хулоса шуки, муаммолар ечимининг ҳал этилиши халқнинг бизга бўлган ишончини оширади, халқни бизга янада яқинлаштиради.



**Бахтиёр ИБРОҲИМОВ**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 93-Паркент сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

# Бизнинг мақсадимиз — ҳуқуқий ижтимоий давлат

Ҳуқуқий давлат бу — қонун ҳукмрон бўлган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган ва амалда таъминланган, бошқарувда халқнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинган, ҳокимият ваколатлари ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш асосига қурилган демократик макондир. Ҳуқуқий давлатда олий қадрият инсондир.

Демак, энг асосий ва муҳим масала бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш экан, бу йўналишда олдимизда қандай вазифалар мавжуд? Фикримизча, энг аввало, адолатли қонунлар, адолатли ҳуқуқий тартибга солиш механизми жорий этилиши лозим. Бу ўринда, жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг қонун билан тартибга солинишига эришмоғимиз даркор. Ҳозирча, афсуски, бу борада эришилган натижаларимизни ижобий дея олмаймиз. Чунки, ҳуқуқий тартибга солиш майдонида қонунлардан кўра қонуности ҳужжатларининг сони ва салмоғи катта. Ҳозир мамлакатимизда амалда 15 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса, уларнинг атиги 5 фоизини қонунлар ташкил этади. Бу айрим ҳолатларда инсон манфаатидан идоралар, айрим шахслар манфаатининг бирламчи ўринга чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Биргина таълим соҳасини олсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", дея белгиланган бўлса-да, мактаблардаги дарсликларнинг пуллик бўлиши, ҳақ эвазига таълим бериш кўрсаткичларининг ортиб бориши, мактабларда таълим сифати пасайиб, репетиторликнинг ривожланиб кетиши каби ҳолатлар айрим қонуности ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг натижасидир.

Яна бир муҳим вазифа, бу қонунларнинг ижросини таъминлашдан иборат. Бу борада ҳам баҳсли вазиятлар, ўз ечимини кутаётган муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар бисёр. Жамоатчилик назорати институти ҳам амалдаги қонунлар ижросини таъминлашда, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишда муҳим ўринга эга. Ҳозир мамлакатимизда ўн мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари, яна шунча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, икки мингга яқин оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бораётган бир шароитда уларнинг қонунлар ижроси, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириши борасидаги ролини янада кучайтириш лозим.

Жамиятда қонун устуворлигининг тўлиқ таъминланиши аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига узвий боғлиқ. Шу жиҳатдан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш ва ўз ҳуқуқларини билишга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз хулқ-атворни шакллантириш демократик ҳуқуқий давлат қурилишнинг зарурий шарти ва гаровидир.

Биз илгари сураётган фикрлардан яна бири, бу "ижтимоий давлат" ғоясидир. Ижтимоий давлат деганда, ижтимоий соҳага жуда катта эътибор қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият тушунилади.

Ҳаттоки, айрим ривожланган Европа мамлакатларида давлатнинг ижтимоий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланган. Масалан, Германия Конституциясида унинг ижтимоий давлат эканлиги белгиланган. Бизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Асосий қонунда кўрсатилмаган бўлса-да, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий давлатларникидан кам эмас. Ўн йиллардан буён ҳар йили давлат бюджети маблағларининг эллик фоиздан ортиғи ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётганининг ўзи ҳам буни яққол исботлайди.

Фикримизча, ижтимоий соҳа, айниқса, таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар миқдори янада оширилиши зарур. Чунки, сифатли таълимсиз, етук кадрларсиз буюк келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Конституциямизда фуқароларга таълим олиш ҳуқуқи берилдими, энди уни таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Мактабгача таълим муассасаларининг сони етарли бўлмаса ёки мактабларда бир синфда 40 нафар ўқувчи сиқилиб ўтирса ёхуд олий таълим билан қамраб олиш даражаси атиги ўн фоиз атрофида бўлса, қандай қилиб, сифатли таълимни, малакали кадрларни талаб қиламиз? Давлат ижтимоий мақомини шу ўринда кўрсатиши зарур. Таълим учун етарли шароитлар яратилиши шарт.

Ёки соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар етишмаслиги муаммоси аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Зарур ташкилий чоралар ўз вақтида кўрилмагани, тўғри прогнозлаштириш амалга оширилмагани боис ҳозирда республика бўйича ўн мингга яқин врач мутахассислар етишмаслиги кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг бош мақсадимиз Ўзбекистонимиз эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қиладиган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва барча аҳоли қатламлари учун муносиб ҳаёт шароити яратилган, кучли "ҳуқуқий-ижтимоий давлат" сифатида ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилишдир.



**Иномжон КУДРАТОВ,**
**Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

## "Прописка" муаммосини бартараф қиламиз

**Афсуски, ўз юртидаги ўзи истаган ҳудудда бемалол яшаб, ишлай олмаслик, ўзининг пулига ўзи истаган жойдан турар жой сотиб ололмаслик каби ҳолатлар мавжуд. Бунинг оқибатида орамизда бошқанинг номига уй сотиб олиб, алданиб қолганлар ҳам бор.**

**Бу борада партия "Пропискадан ўтиш" тизимига янгича ёндошиш керак деб ҳисоблайди. Жумладан, фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлаш масаласини кўриб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқда.**

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳар бир фуқаронинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатлана олишига қаратилган конституциявий ҳуқуқи тўлиқ таъминланиши лозим деб ҳисоблайди. Ва бу мақсадни амалга ошириш учун курашади.**

**ADOLAT YO'LIDA BIRLASHAYLIK!**

**NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!**




# Партиямиз фаол ташқи сиёсат, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик тарафдори

Айниқса, сўнгги уч йилда мамлакатимиз ташқи сиёсатида биз кенг кўламли вазифаларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Кўпгина мутахассислар бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ҳамда Ўзбекистондаги трансформация жараёнлари нафақат ўзбек халқи, балки Марказий Осиё давлатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганини эътироф этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Марказий Осиёдаги қўшниларимиз билан конструктив мулоқот ўрнатилиб, улар билан яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланмоқда. Ўртадаги чегаралар очилиб, борди-келди алоқалар ҳар қачонгидан ҳам кенгайди. Айнан Ўзбекистон таклифлари туфайли минтақада ўзаро ҳамкорлик учун қулай муҳит шаклланди. Айнан Ўзбекистон ташаббуслари туфайли минтақавий хавфсизликнинг таъминланиши бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари туфайли Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича халқаро мулоқот йўлга қўйилиб, изчиллик касб этмоқда.

Шу билан бирга, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, узоқ ва яқин мамлакатлар билан дўстона ва конструктив ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро имижини юксалтириш йўлида ҳали қатор вазифаларни ҳал қилишимиз лозим.

Жорий йилнинг 22 декабрь куни барча даражадаги вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўраётган "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш ва тинчликсевар динамик ташқи сиёсат олиб боришда шу каби бир қатор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олмоқда.

Биз барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган давлатнинг динамик ташқи сиёсати, Марказий Осиёнинг амалда барқарор, ҳар томонлама ривожланган ва қўшничилик алоқаларини йўлга қўйган минтақага айланиши тарафдоримиз.

Партиямизнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва масъулиятли шерик бўлишига ёрдам беришдан иборат. Биз давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатимиз ўрни ва ролини кучайтириш, Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блоклар ва иттифоқлардаги иштирокига йўл қўймаслик тарафдоримиз.

Партиямиз, шунингдек, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли ижтимоий ва инсонпарварлик дастурлари доирасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаймиз. Биз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, савдо ва инвестицион фаолият учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш мақсадида трансчегаравий, транспорт-коммуникацион, инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Биз Ўзбекистон миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш мақсадида, парламентлараро ҳамкорлик ва партиявий дипломатия йўналишлари бўйича халқаро алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Ҳозирча парламент дипломатияси мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим инструментига айланди, деб тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин эмас. "Адолат" СДПнинг халқаро алоқалари ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, хорижий давлатларнинг социал-демократик йўналишдаги партиялари, нуфузли халқаро сиёсий ташкилот ҳисобланган Социалистик интернационал ташкилоти билан фаол ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, жамиятда фуқаролар келишуви — тинчлик ва барқарорлик гарови ҳисобланади. Биз "Халқимизга, энг аввало, тинчлик ва хотиржамлик керак!" деган принципни изчиллик билан амалга ошириш тарафдоримиз. Ҳозирги ўзгарувчан даврда, турли хавф ва таҳдидлар кучаяётган шароитда, бизнинг бебаҳо бойлигимиз — тинчлик ва хотиржамлигимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз, миллатлар ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз, жамиятда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини таъминлашимиз зарур.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг анъанавий маданий меросини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳилиноқ яшаб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ҳодиса ҳисобланади. Қадимдан Ватанимиз ҳудуди бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган бўлиб, у Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаб турган ва миллатлараро мулоқотнинг ривожланиши ҳамда аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бағрикенглик ғояларининг қарор топишига мустаҳкам замин яратган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Турли-туман миллий гуруҳларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлиш — бу нафақат ижтимоий-иқтисодий воқелик тақозоси, балки юксак инсонпарварлик вазифаси ҳамдир. Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Биз "адолатчилар" жамиятда бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қайси динга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигига қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз ва муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олиб, уни нотўғри талқин қилган, ўз бузғунчи ғоялари билан тинч ва фаровон ҳаётимизни бузиш ниятида бўлган зарарли кучларга қарши қатъий кураш олиб борамиз.

Ўзбекистоннинг замонавий Ҳарбий Кучлари — халқнинг фаровон ҳаёти, давлат хавфсизлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолати ҳисобланади. Кейинги уч йил ичида мамлакатимиз мудофаа соҳаси — Қуролли Кучлар тизимида давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш йўлида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат тизимида стратегик режалаштириш бўйича улкан аҳамиятга эга бўлган янгиланган Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги даражаси янги сифат босқичига кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш тизими тубдан янгиланди. Жойларда ҳарбий-маъмурий секторлар жорий этилди. Ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик миқёси, ўзаро ишонч ва ўзаро тажриба алмашиш кенгайди.

Энг замонавий қуроллар билан таъминланиш ҳисобига Қуролли Кучлар моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси сезиларли равишда кучайтирилди. Бугун халқ билан армиянинг бирлиги, якдиллиги амалда тўлиқ намоён бўлиб, ҳарбий хизмат жамиятда чинакам шарафли касбга айланди.

Шу билан бирга, биз ушбу йўналишдаги ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Биз армиямиз қиёфаси, ҳарбий имкониятлари, моҳияти, ҳарбий жамоалардаги ахлоқий шароитни тубдан ислоҳ қилиш, қўшинни замонавий ва ишончли қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, энг янги ўқув воситалари, ўқув-моддий база билан таъминлаш, қўшин таркибида ахборот-коммуникацион технологияни жорий қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Хусусан, нафақага чиққан захирадаги ҳарбийларимизнинг пул маблағларини кўпайтириш, уй-жой муаммоларини ҳал қилиш, пенсия ва тиббий таъминот тизимларини яхшилаш, ижтимоий мослашувига кўмаклашиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир мамлакат тарихида шундай давр бўладики, унинг ҳар бир куни асрларга татигулик бўлиб, истиқбол учун мустаҳкам пойдевор яратади. Ана шундай муҳим синовлар палласи, яъни сайлов арафасида кўнгилдан ўтаётган гап шу: биз "адолатчилар" ватанпарварлик ва фидойиликда бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Биз ўта масъулиятли авлод вакиллари сифатида мамлакат тараққиёти йўлида бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз, зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз мажбуриятларимизга виждонан ёндашган ҳолда, тинимсиз меҳнат қилишимиз лозим.



**Алымбай АТАБАЕВ,**
**Қорақалпоғистон мусулмонлари идораси ҳуқуқшуноси**

## Жазони ижро этиш муассасаларида адолат таъминланади

**Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари ички ишлар органлари тизимидадир. Бу эса халқаро ҳуқуқнинг жазо ўтаётган шахслар таъқиб қилувчи органлар қўлида бўлмаслиги лозим, деган нормасига зиддир.**

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси барча ижро билан боғлиқ ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган, холис орган — адлия идоралари бошқарувига беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шунда суриштирув ва терговдан норозиликлар барҳам топади, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг, қийноқ ва тайзиқларнинг олди олинади, ижро жараёнида инсон ҳуқуқлари таъминланади.**

Ҳар бир фарзанд – миллат келажаги. Болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш эса барчамизнинг эзгу орзуимиз ҳисобланади.

Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилишини барчамиз яхши биламиз. Таъкидлаш лозимки, таълим муассасаларида дарсларни самарали ташкил этишда етук кадрлар билан бир қаторда таълим муассасаларида тиббий хизмат хоналарини тиклаш ва болаларни профилактик равишда умумий тиббий ва стоматологик назоратини олиб боришни таъминлашнинг ўрни ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

# Билим масканларида тиббий хизмат хоналарини такомиллаштириш зарур

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни, таъсири ва масъулиятини ошириш, таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг таъсирини янада ошириш каби долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда “Адолат” СДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Чунки партия аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш тарафдоридир. Халқимизга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари партиянинг эътибор марказида турибди.



**Дилбар АХМЕДОВА**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 29-Жилвон сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

Жумладан, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” лойиҳаси доирасида партия ташкилотидаги ишчи гуруҳи томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиздаги мавжуд мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳволи, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси, манту синамаси ва бошқа эмлашлар даврийлиги ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатлари жамоатчилик назорати тартибида ўрганиб чиқилмоқда. Текшириш жараёнида меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бандлар талабларига умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида бир қатор камчиликлар борлиги аниқланган.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун мутасадди ташкилотлар ва масъул раҳбарлар бирозгина эътибор қаратсалар кифоя эди. Буни яхши англаган Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришга, жойларда дастурий вазифаларимизни рўёбга чиқариш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

“Адолат” СДП Сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, шаҳар ДСЭНМ ҳамда тиббиёт бирлашмаси масъул ходимлари иштирокида умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳволи, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси юзасидан аниқланган муаммолар таҳлил этилмоқда.

Ўрганишлар натижасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорига асосан тасдиқланган “Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларига бирламчи тиббий санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги низомда белгиланган талаблар даражасида эмаслиги сингари ҳолатлар аниқланган. Айниқса, намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган мактабларда тиббиёт хонаси номигагина ташкил этилиб, тиббий асбоб-ускуналар ва зарур дори-дармонлар билан умуман таъминланмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг масъулиятини ошириш, таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда таъсирини янада кучайтириш, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш масалалари Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида муҳим ўрин тутади. Шу боис, партия томонидан келгуси беш йилликда юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг саломатлигини асраш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий профилактика ва даволаш ишлари сифати ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган самарали лойиҳалар ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий қилинади.

Партия мамлакатимиз ҳудудида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги овқатланиш шохобчаларини муайян андозалар ва қатъий талаблар асосида тарбияланувчилар ҳамда ўқувчи ёшлар организмининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама инобатга олган ҳолда ташкил қилиш учун барча сайъ-ҳаракатларни амалга оширади. Таълим муассасаларидаги тиббий хизмат хоналарини тарбияланувчилар ва ўқувчилар сонини, мазкур муассаса жойлашган ҳудуднинг хусусиятларини, замонавий талаб ва эҳтиёжни инобатга олган ҳолда жиҳозлаш, кадрлар билан, тегишли дори-дармонлар, тиббий анжомлар ва дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга доир тиббий ускуналар билан таъминлашнинг ягона андозасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишнинг самарали механизмларини яратади. Умумий ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасаларида малакали бепул тиббий хизматни жорий қилиш, ривожлантириш ҳамда болалар стоматологияси хизмати йўлга қўйилганлигини жамоатчилик тартибида ўрганишга қаратилган ишларни янада такомиллаштирган ҳолда давом эттиради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда муаммоларни ва уларни бартараф этиш йўлларини фракция йиғилишида муҳокама қилиш ва қонунчилик ташаббуси билан чиқиш масаласини илгари суради.

Мақсадимиз, ёшларга бераётган таълим ва тарбиямиз фақат яхши натижа келтирсин, келажагимиз эгаларининг порлоқ истиқболини таъминлашга хизмат қилсин. Фарзандларимиз билим даргоҳини худди Ватанни, Онани севгандек севиб қадрласа, эъзозласа эртанги кунимиз ёруғ бўлиши муқаррардир.



**Улуғбек РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири**

# Судлар одамларни сарсон қилишига чек қўйилади

**Судларнинг фуқароларимизни “отангга бор, онангга бор” қабилида овора қилиш ҳолатлари етарлича топилади. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси инсонлар сарсон бўлишининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунни такомиллаштиришни мақсад қилган.**

**Турли йўналишларга бўлинган судларни умумлаштириш зарур. Яъни фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) судларини бирлаштириш орқали битта маъмурий ҳудудда битта суд идораси ташкил этиш даркор.**

**Натижада фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларга даъво ариза топшириш ва ишларни кўриш жараёнида фуқароларни бошқа туманларга қатнаб ёки тоифа бўйича суд идораларини қидириб, сарсон бўлиб юришига, йўл, меҳмонхона каби харажатлар учун моддий зарар кўришига барҳам берилади.**

# Ягона тергов қўмитасини ташкил этамиз



**Акмал БУРХАНОВ,**
**“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси**

**Бугунги кунда дастлабки тергов ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ИИВ ва ДХХ томонидан амалга оширилмоқда. Дастлабки тергов органларининг тарқоқлиги натижасида инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари юз бераётганлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.**

**Ўтган йили кузатилган каттақўрғонлик аёл воқеаси, ноябрь ойидаги андижонлик Абдуллоҳ воқеаси каби ҳолатлар фуқароларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, тергов жараёнларига ишончсизлик билан қарашига олиб келмоқда.**

**Шу боисдан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси адолат қарор топишини айнан адолатни таъминловчи идоралардан бошлаш керак, деган тамойилни илгари сурмоқда. Зеро, ҳуқуқ-тартибот идораларида адолатни таъминламасдан туриб, аҳолининг мамлакатимизда қонун устуворлигига ишончини тиклаб бўлмайди.**

**Ушбу ҳолатни бартараф қилиш, дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш мақсадида мамлакатда ягона тергов органи – Тергов қўмитасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурамиз.**

Партиямизнинг Сайловолди дастурида таълим тизими, хусусан, мактагача таълим, умумтаълим мактаби ва олий таълим тизимида қилиниши керак бўлган аниқ вазифалар қайд этилган. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг кейинги такомиллашуви, сифатли таълим хизматларига эга бўлишни ошириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдори эканлиги таъкидланган.

# Таълимни ривожлантирмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди

Дастурда мактабгача таълим даргоҳлари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш ҳамда педагоглар ва мутахассислар малакаси даражасини оширишни қўллаб-қувватлаш масаласи илгари сурилган.

Шунингдек, Дастурда умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, болалар спорти ҳамда мусиқа, санъат мактабларининг мавжуд объектларини реконструкция қилиш, янги биноларни қуриш, болаларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларни мусиқа ва санъат оламига қизиқтириш, аҳолининг мутолаа маданиятини ривожлантириш каби масалалар партия томонидан алоҳида эътиборга олинган.

Афсуски, умумтаълим мактабларида “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ижросининг тиббий хизматга доир қисми тўлиқ ижро этилмаяпти. Умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизмат етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Шундан келиб чиқиб, партия ҳар бир мактабда тиббиёт хонаси, тиббий дори-дармонлар ва малакали тиббиёт ходими узлуксиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Бугун умумтаълим мактабларида таълим олаётган болажонларнинг аксариятида кариес касаллиги кўпайган, сколез ва ясситовонлик ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Бу касалликларнинг олдини олишнинг бир-дан-бир йўли мактабларда сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш, стоматология хизматларини кенгайтириш мақсадида умумий ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасаларида малакали бепул тиббий хизматни жорий қилиш, ривожлантириш ва болалар стоматологияси хизматини йўлга қўйиш лозим. Партия бу борада Сайловолди платформасида аниқ вазифаларни белгилаб олган.

Шунингдек, Дастурда халқаро миқёсда эркин рақобатлаша оладиган ёшларни ватанпарварлик ва миллий мустақиллик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили сифатида партия умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиб, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, ўрта таълим тизимига STEAM таълимини жорий қилиш, ўқув дастурларида тарих, ўзбек тили ва адабиёти каби фанлардан ўқув соатларини кўпайтириш, жаҳон билимлари ва маданий қадриятларини ўрганиш учун интернет тизимига чиқиш имконини берувчи компьютер технологиясидан фойдаланишни ўқув жараёнига чуқур киритиш, умумтаълим мактабларнинг бошланғич синфларида узайтирилган кун гуруҳларини жорий қилиш, умумтаълим мактабларида ҳам махсус фанларни чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар очилишини ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлод ривожланишига китоб ўқиш маданиятини сингдириш тарафдори эканлиги таъкидланган.

Дастурда яна бир муҳим масала — умумтаълим мактабларида мактаб формасини жорий этиш масаласи бўйича ҳукумат қарорининг қабул қилиниши алоҳида эътиборга олинган. Бу эса, албатта, республика бўйича мактаб ўқувчилари ягона формада юриши, улар ўртасидаги тенгсизликнинг олдини олиши баробарида, болаларни интизомга, оддийликка, самимийликка ўргатади. Форманинг жорий этилиши таълим-тарбия сифатига ижобий таъсир кўрсатади, тартиб-интизомни мустаҳкамлаб, ўқув сифатини яхшилайди.

Таълим тизимида кадрларнинг ойлик иш ҳақи масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қайта-қайта таъкидланмоқда. Партия айни шу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ўқитувчилар иш ҳақининг оширилиши ва ижтимоий мавқеини кўтариш, ижтимоий пакетни яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни давом эттиришга аҳамият қаратиши белгиланган. Шунингдек, таълим олиш ва таълим сифатини ошириш стратегиясини қабул қилиш, амалдаги кўплаб қонунлар, қарорлар, кўрсатмаларни тизимлаштириш учун “Таълим тўғрисидаги кодекс”ни қабул қилиш таклифи киритилган. Бу таклиф эса ҳар бир соҳа ходимининг фаолиятини такомиллаштиришда, ишлаш тартибини ихчамлаштиришга хизмат қилади. Истиқболда бутун таълим жараёнини мувофиқлаштирувчи ягона ҳуқуқий асосни яратишга кўмаклашади.

Дастурда партия олий таълим тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш, АКТ воситалари билан таъминлаш, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш тарафдори эканлиги ҳам олоҳида қайд этиб ўтилган. Ушбу соҳада устувор вазифалар белгилаб олинган.



**Саломат НАЗАРОВА**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 78-Термиз сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган**

Партия олий таълимга кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш ва имтиҳонларни фақат бюджет (давлат гранти) асосида кирадиганлар учун қолдириш, контракт асосида ўқишни истайдиганлар учун имтиҳон ва синовларсиз ўқишга қабул қилишни йўлга қўйишни таклиф этади. Бу ёш авлоднинг имкониятини кенгайтиришда ҳамда сифатли таълим олишига асос бўлади. Ўқишга киришни осонлаштириш, аммо ўқишга бўлган талабни кучайтириш партиянинг Сайловолди платформасида алоҳида таъкидланган. Талаба яхши ўқимаса, курсдан курсга қолиб, қайта-қайта контракт пули тўлаб ўқийди. Қачонки талаба давлат стандартлари бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширса, унга олий маълумотлилик ҳақида битирув диплоии берилади. Бу йўл ҳам таълим сифатини ошириб, кадрлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга ҳамда коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Таълим сифати ривожланса, ҳар бир соҳада ривожланиш кузатилади. Хусусан, тиббиёт тизимида ҳам. Партия ўзининг Сайловолди дастурида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тарафдори эканлигини алоҳида қайд этган.

Бунда партия соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тан олиш билан бирга, соғлиқни сақлаш давлат секторини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар сони ва инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт туризми ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга эътибор қаратади.

Бунда белгиланган устувор мақсад — замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш. Партия шошилинч тез тиббий ёрдам тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига мос бўлиши, унинг юқори технологиялиги ва самарадорлигини таъминлаш, шошилинч тез тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш, тез тиббий ёрдам хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Дастурида давлат соғлиқни сақлаш соҳасининг илмий мактабларини янада ривожлантириш, жарроҳлик, урология, кардиология, кўз микрожарроҳлиги, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия, тиббий реабилитация каби йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий марказлар тизимини ривожлантириш тарафдоридир. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад соғлиқни сақлаш соҳасида устувор мақсадларни амалга ошириш ҳамда юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугун жамиятни таълим ва тиббиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки соҳанинг ривожланишида, шубҳасиз, партиянинг ташаббуси ҳамда фаоллиги аҳамиятлидир. Бу борада Сайловолди дастурга киритилган аниқ мақсад ва вазифалар инсонларнинг манфаатлари ва соғлом турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилади.

ADOLAT BOR JOYDA TARAQQIYOT BOR!
O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

Мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган тарихий воқелик, Ватан тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараёнга партиямиз томонидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов муносабати билан сайловолди ташвиқот ишлари айни қизғин паллада. Бунда, албатта, ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки, муносиб номзодларни танлаб овоз бериши юртимиз тақдири, келажаги учун муҳим аҳамиятга эга экани ташвиқотлар, учрашувларда сайловчиларга етказилмоқда.

# Номзодларнинг дастурлари қўллаб-қувватланди

**30-Ғиждувон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Гулмира Юсупованинг сайловчилар билан учрашувлари самимий мулоқот ва баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтмоқда.**

Номзоднинг дастуридан мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўрин олган. Шу сабабли бу ҳақдаги фикрлар аҳоли томонидан қўллаб-қуватланди. Йиғилиш давомида фуқаролар мактабгача таълим муассасаларида кадрлар сифатини яхшилаш, тиббиётни самарали йўлга қўйиш, айниқса, тез тиббий ёрдам фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, овқатланиш рационини янада намунали ташкил этиш каби масалаларда мурожаат қилгач, номзод ўз дастурида айнан ушбу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратгани ҳамда бу борада бугунги кунда партия томонидан тизимли ишларнинг олиб борилаётганлигини қайд этди.

**Сайлов жараёнларида фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг фуқаролик позициясини белгилаб беришга ҳамда сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлигига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан қўйилган номзодлар Бухоро давлат университетида талабалар билан бўлиб ўтган учрашувда фаоллик мавзуига алоҳида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, талабалар ҳар бир номзоднинг фаолияти, дастури билан таништирилди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Нодира Холова талабалар эътиборини ўзининг дастурига қаратар экан, аввало, у ўз дастурида "Ақлли тиббиёт" тизимини шакллантириш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолини хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлаш ҳамда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига асосий вазифалардан бири сифатида эътибор берганлигини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар Юсуф Саломов, Гули Тоирова, Олима Рафиева, Дилфуза Саидова, Раъно Қудратова ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг дастурларида талабаларнинг сифатли таълим олиши, уларнинг инновацион фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини электрон китоблар билан таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг илмий салоҳиятини янада кучайтириш борасидаги аниқ таклифларга эътибор қаратганликларини таъкидладилар.

Ҳар бир номзоднинг дастури юзасидан ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**27-Варахша сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Анвар Раҳматов ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан учрашувларда ўзининг дастури билан таништирмоқда. Учрашувлар давомида номзоднинг ишончли вакили сўзга чиқиб, унинг фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтди.**

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган бу сингари тарғибот тадбирларидан бири тумандаги "Тобагар" МФЙда бўлиб, унда номзод ижтимоий соҳалар ривожи ҳамда иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммолар юзасидан ўзининг таклифларини билдириб ўтди.

Анвар Раҳматов, асосан, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни таъминлаш, бу борада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенглик принципини таъминлаш учун курашишдан иборат эканлигини таъкидлади. Учрашувда фуқаролар ҳам ўзларининг таклифларини билдиришди. Айниқса, тергов тизимини қайта кўриб чиқиш зарурлиги, жойларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

*— Жойларда ташкил этиб келинаётган учрашувлар барчамизнинг сайловда фаол иштирок этиб, ўз овозимизга эга бўлишимизда кўмаклашади. Ҳар бир номзоднинг асосий вазифаси халқ ишончини қозониш баробарида ўзининг ижтимоий ҳаётда асқотадиган дастури билан иштирок этишдан иборатдир. Тарғибот тадбирларида барча номзодлар дастури билан танишиб бораяпмиз. Бугунги мақсадимиз сайловда фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз беришдан иборат,* — дейди сайловчи Ойсара Мўминова.



Қўшкўпир туманидаги 10-сон болалар ва ўсмирлар мусиқа мактабида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига **124-сайлов округи**дан номзоди кўрсатилган Руслан Рўзметовнинг сайловчилар билан учрашуви очиқ ва дилдан мулоқот тарзида ташкил этилди.

Учрашувнинг аввалида номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби Замира Абдуллаева номзод тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг Руслан Рўзметов йиғилганларни ўзининг дастурида илгари сурилган ғоялар билан таништирди.

Номзоднинг дастурида инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонларини таъминлаш ва бошқа ғоялар муҳим ўрин тутади.

— Номзодга ўтган учрашувларнинг бирида хайровотликлар вилоят марказига бориб-келиш учун Хайровот қишлоғидан туман марказига келиб, сўнгра туман марказидан вилоят марказига қатнайдиган транспортга чиқишлари, транспорт масаласидаги бундай муаммолар сабаб қийналишаётгани, энг ёмони, бирор зарур харид ёки бошқа юмушлар учун кун бўйи йўлда қолиб кетишаётгани тўғрисида айтган эдик. Р.Рўзметов бу муаммомизни ҳал этишга ёрдам берди. Хайровот — Қўшкўпир — Урганч йўналишида йўловчи ташийдиган 2 та микроавтобус фуқароларга хизмат кўрсата бошлади. Қўшкўпирликларнинг қувончи чексиз. Номзод сайловчилар ишончини қозонди. Сайлов куни муносиб номзодга овоз берамиз, — дейди отахон Палвонназир Раҳимов.

Йиғилиш сўнггида сайловчилар томонидан фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Саволларга номзод томонидан жавоблар берилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 123-Шовот сайлов округидан номзоди кўрсатилган Муяссар Машарипова иштирокида Урганч давлат университети талабалари билан давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда талабалар билан бир қаторда ОАВ вакиллари ҳам иштирок этди. М.Машарипова номзоднинг бурч ва вазифалари билан бирга партия томонидан илгари сурилаётган амалий таклифлар моҳияти хусусида сўз юритди.**



Шунингдек, номзод талаба ёшлар билан учрашув жараёнида шуни алоҳида таъкидладики, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бугунги кун талабасини Ўзбекистон яқин келажагининг локомотиви сифатида кўради. Шу боисдан ҳам уларнинг сифатли билим олиши ва ўз вақтида рағбатлантирилиши учун алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун "Адолат" СДП олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тартибига ўтишини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, М.Машарипова давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ва самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълимнинг қамров даражасини 2030 йилга қадар 50 фоиздан оширишга эришиш — партиянинг асосий мақсади эканини алоҳида таъкидлади.



Қарши шаҳридаги "Арабхона" маҳалла фуқаролар йиғинида **126-Бешкент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатигига номзод, "Шарқ юлдузи", "Звезда востока" журналлари бош муҳаррири Сирожиддин Раупов**нинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, учрашувда сайловчилар номзод ҳамда "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурлари билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Мулоқотлар жараёнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури ва ундаги сиёсий, ижтимоий йўналишлари хусусида сўз борди. Шундан сўнг Сирожиддин Раупов сайловчиларни ўз сайловолди дастурида илгари сураётган сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни кенгайтириш, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасидаги режалари ҳақида ҳам сўз юритди.

Шунингдек, депутатликка номзод партия Сайловолди дастуридан салмоқли жой эгаллаган мақсад ва вазифалар-иқтисодиётдаги юксалишлар натижасини ижтимоий ҳаётни фаровонаштиришга йўналтириш, энергия ресурсларини тежаш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга иштирокчилар эътиборини қаратди.

Маҳалла фуқаролари номзодга каналнинг икки километр қисмини қамиш босгани, маҳаллада боғча, қишлоқ врачлик пункти йўқлиги, 37-мактабнинг иситиш тизимида муаммолар борлиги ва уларни бартараф этишда амалий ёрдам беришини илтимос қилдилар. Сирожиддин Раупов фуқаролардан тушган барча талаб ва таклифларни ўрганиб чиқишини маълум қилди.

Партиядошимиз Сирожиддин Рауповнинг Қарши туманидаги "Сахтапиёз", "Нукрабод" МФЙ аҳли билан учрашуви ҳам самимий ва дўстона, ўзаро ишонч асосида кечди. Номзод ўз сайловолди дастурида илгари сураётган аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, ахборот-коммуникация хизматлари тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам фикр юритди.

Шунингдек, худди шундай учрашув Бешкент шаҳри аҳолиси билан ҳам фойдали мулоқотлар остида ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён — сайловлар арафасида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Нукус туманида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг «Сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситаларига қаршимиз!» шиори остида маданий-кўнгилочар акция ўтказилди.

Ушбу акция партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини омма орасида кенг тарғиб қилишга қаратилди.

Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига қўйилган номзодлар, партия фаоллари ҳамда сайловчилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу йилги сайловлар арафасида олға сурилаётган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтишди. Жумаладан, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга, юқори самарали хавфсиз дори-дармон ва тиббий воситалар билан арзон нархларда таъминлаш, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Жорий йилги сайловлар бутунлай янгича ҳуқуқий шароитда ўтиши эътироф этилди. Акция давомида юзма-юз мулоқотлар ва турли масалалар бўйича савол-жавоблар юртдошларимизда "Адолат" СДП ғояларига хайрихоҳлик тобора кучайиб бораётганлигини кўрсатди.

Шунингдек, акция доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига **8-Оқмангит сайлов округига номзод этиб рўйхатга олинган Алимбай Атабаев**нинг сайловчилар билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Номзод ўзининг дастурида "Ақлли тиббиёт" тизимини шакллантириш, тиббиёт соҳасига замонавий АКТларни кенг жорий этиш, аҳолини хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлаш, ушбу йўналишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича таъсирчан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш — муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашувда туман аҳолиси, яъни маҳаллаларда истиқомат қилувчи турли ёшдаги сайловчилар қатнашиб, номзоднинг дастурида баён этилган асосий йўналишлар билан яқиндан танишдилар.

Учрашув якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар ва муаммолар юзасидан талаб-истак ва фикр-мулоҳазаларини билдириб, номзоднинг дастурига хайрихоҳлик билдиришди.

**9-Сирдарё сайлов округидан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шуҳрат Ҳасанов Гулистон туманидаги "Ибрат" маҳалласи аҳли билан учрашди.**



Турфа соҳа кишилари қамраб олинган учрашувда номзоднинг фаолияти ва сайловолди дастури йиғилганларга таништирилди. Шунингдек, учрашув давомида номзод келгусида депутатликка сайланса, аввало, ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга бел боғлашини, юрт фаровонлиги учун, фуқароларнинг ҳар томонлама тинч ва хотиржам, бахтли яшаб, меҳнат қилишлари учун мавжуд камчиликларни бартараф этишга ҳисса қўшиш асосий мақсади эканлигини таъкидлади. Ечими долзарб масалаларни мутасадди ташкилотлар, идоралар орқали ўз вақтида ҳал этишни асосий вазифага айлантиришини айтиб ўтди. Тадбир иштирокчилари номзоднинг ушбу ташаббус ва ғояларини сайловларда қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни муҳим сиёсий жараён сайлов кунига тобора яқинлаштирмоқда. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари айни авж паллада. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига **60-Пайариқ сайлов округидан кўрсатилган номзод Сайёра Жумаева** ҳам сайловчилар билан учрашиб, мулоқотлар олиб бормоқда.



Пайариқ тумандаги "Оққўрғон", "Сорисув" маҳалла фуқаролари йиғинларида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида асосий эътибор партия ва номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилаётган мақсад ва вазифалар, устувор йўналишларни тарғиб этишга қаратилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, учрашувлар чоғида кўпчилик сайловчилар томонидан номзоднинг дастурида белгиланган вазифалар долзарб эканлиги, кўпчиликни ўйлантираётган масалалар кўтарилганлиги эътироф этилди. Дастурда илгари сурилаётган ғоялар, амалий таклифлар маъқулланди.

Шунингдек, сайловчилар томонидан ҳудудда ечимини кутаётган баъзи муаммолар ҳам ўртага ташланди, уларнинг ечими бўйича номзоднинг фикрлари билан қизишди. Хусусан, "Сорисув" МФЙ фуқароси Тошболта Мусаев шу маҳалладаги 84-сонли умумтаълим мактабида ўқувчилар уч сменада ўқишаётганлиги ва учинчи смена ўқувчиларининг дарслари жуда кеч тугаётгани, бу эса ўз навбатида дарс сифати ва самарадорлигига таъсир этаётганлиги ҳақида, Аброр Бердиқулов маҳалла фуқороларининг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун клуб қуриш лозимлиги ҳақида куюниб гапирдилар.

Номзод С.Жумаева дастурида нафақат уч сменада ташкил этилаётган дарслар, балки битта синфда 35-40 тадан ўқувчилар таълим олиши ҳам эртамиз эгалари бўлган ёш авлоднинг сифатли таълим олишига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, белгилаб олган устувор вазифалари хусусида иштирокчиларга маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят ташкилотлари сайловга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Айни пайтда сайловчилар билан учрашувлар ҳам қизғин паллага кирди. Ана шундай тадбирлардан бири Наманган тумани марказидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Аҳоли вакиллари билан мулоқотда **45-Тошбулоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Гулчеҳра Тожибоева** иштирок этди.



Ишончли вакил — "Адолат" СДП Наманган туман кенгашининг раиси Ёрқиной Ҳожиматова тўпланганларни номзоднинг меҳнат фаолияти билан таништирди.

Номзод депутатнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, биринчи навбатда, у қонун ижодкорлиги билан шуғулланиши кераклиги, бу масалада партиямизнинг Сайловолди дастурида олға сурилган масалалар жуда долзарблигини алоҳида эътироф этди. Г.Тожибоева яна шуни алоҳида таъкидладики, жойларда қонунларнинг ижроси устидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш энг муҳим вазифалардан биридир. Бусиз жамият тараққиётида сезиларли силжишларга эришиб бўлмайди.

Номзод фуқаролар ўртасида ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият тўла шаклланмаганлигини, шу сабабдан ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олишмаётганлиги, бу эса адолатсизликларга йўл очиб бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП айнан ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб, Сайловолди дастурида таъкидланганидай, жамиятда учраётган ҳақсизликларни бартараф этиш, ҳуқуқий маданиятни оширишда фуқароларимизга яқиндан кўмак беришнинг чора-тадбирларини кўради. Бу масалалар бўйича янги қонунлар ишлаб чиқиб, уни амалий ҳаётга татбиқ этади.

Учрашув иштирокчилари номзоднинг дастурини маъқуллаб, ўзлари муҳим деб ҳисоблаётган қатор масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА, Замира АБДУЛЛАЕВА, Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Комил САХАТОВ, Лола САЙИДОВА, Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Айшолпан ЎРАЗИМБЕТОВА,**
**Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган вилоят кенгашлари матбуот котиблари**

МУНОСАБАТ

**Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида иқтисодиёт тармоқларида эришган барча ютуқ ва марралари, унинг тизимли суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ҳамда нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ҳаётимизда, биз эришган барча ютуқларда Асосий қонунимизнинг ўрни беқиёс экани барчамизга яхши маълум.**

# АСОСИЙ ҚОНУН мулк дахлсизлигининг кафолати

Айнан Бош қомусимиз бугунги кунда юртимизда кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, сиёсий жиҳатдан қурилишининг асосий томонларини тартибга солиш бўйича тамоман янгича ёндашувни белгилаб берган Конституциямизнинг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", деб аниқ белгиланган.



**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Шунингдек, Конституциянинг 36-моддасида "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" экани қатъий белгиланиб, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий норма даражасига кўтарилди ҳамда муҳим иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилди. Бошқача айтганда, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман олганда, жамият ҳаётининг барча жабҳасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни мулксиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларсиз ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Муҳтарам Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани, хусусан, ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилиши тўғрисида ва ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилингани тўғрисида айтиб ўтдилар.

Эндиликда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш кераклиги ҳам таъкидланди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун барча жабҳада конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарурлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлашимиз лозимлиги ҳам қайд этилди.

Албатта, бу борада Асосий қонунимиз ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишида, кўзланган мақсадга эришиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида мужассамлантириб, жамиятимиз ҳаётининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб қолаверади.

# Конституция — бирдамлик занжири

1 Бугун Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун. Шундай унутилмас кунда давлатимиз раҳбарининг инсон ҳуқуқларига оид теран фикрларини мушоҳада қилиш жуда ҳам қувонарли. Албатта, бундай жонкуярлик энг одил, энг адолатли мамлакат раҳбарига хос. Президентимизнинг куюнчаклик билан инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш ҳақидаги қарашлари халқимизни норози қилаётган айрим қонунни менсимайдиган амалдорларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириб қўйиши шубҳасиз. Зеро, амалдорнинг ишчанлик даражаси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш даражаси билан ўлчанади.

Маърузада олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўплаб кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда "қонунни четлаб ўтиш" ҳолатлари ҳам қораланди. Бундай иллатнинг илдизларини қирқиш лозимлиги таъкидланди. Жуда тўғри. Қонунни четлаб ўтувчи, тадбиркорликка тўғоноқ бўлувчи, коррупцияга мойил шахслар орамизда бўлар экан, мамлакатимиз иқтисодий қудратига соя солаверади. Бунинг учун биз жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо тоқатсизлик маданиятини шакллантиришимиз даркор. Коррупция билан курашиш нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тузилмаларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, қонунни четлаб ўтиш бу жиноят, бу зулм. Имом ат-Термизийдан ривоят қилинишича, гуноҳларнинг ичида энг оғири зулмдир.

Очиғини айтганда, судлар мустақиллигини таъминламасдан инсон ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш имкони бўлмайди. Ҳалиҳамон суд ишларига ташқаридан босим ўтказиш ҳолатлари сезилиб турибди. Бу муаммо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус эксперти хулосасида ҳам қайд этилган эди. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашни устувор вазифа сифатида қатъий белгилаб берди. Суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, судлар фақат қонунга бўйсуниши лозим. Акс ҳолда, унинг холислиги шубҳа остида қолади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатура институтининг ҳам ўз ўрни ва роли бўлиши керак. Бу борада қонун ҳужжатлари босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётганига қарамасдан амалиётда муаммолар бисёр. Маърузада таъкидланганидек, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокат кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қолаверса, уларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, ҳар бир адвокат малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун зарур чораларни кўриш, адвокатура фаолиятига оид қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурор ўртасидаги тенглик принципини амалда таъминлаш чораларини кўриш вақти келди.

Президентимиз мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталганлиги ҳам айни муддао бўлди. Келаси йилдан эътиборан ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилиши оқилона қарордир. Буни мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан бири, деб айтиш мумкин. Шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлаётганлигини кўплаб мисоллар кўрсатмоқда. Конституциямизнинг 53-моддасида турли шакллардаги мулкларнинг тенглиги белгиланган бўлиб, уларнинг барчаси қонун ҳимоясидадир. Мулк ҳуқуқидан фақат суднинг қонуний кучга кирган қарори билангина маҳрум этилиши мумкин. Зеро, фақат шу йўл билан халқ розилигига эришамиз, фаровон келажагимиз кафолатини қонун устуворлигида кўрамиз.



**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Маърузада давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, холис кўриб чиқишлари лозимлиги тилга олинди. Оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам "жамият кўзгуси"га айланиши кераклиги таъкидланди. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги хитоб шахсан Президентимиздан янграгани бизни беҳад қувонтирди.

Дарҳақиқат, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Раҳбарларнинг журналистларга нописанд муносабати, ўзини ОАВдан олиб қочиши очиқлик ва ошкораликка путур етказиш билан бир қаторда юртимизнинг халқаро майдонда обрўсига салбий таъсир кўрсатади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Амалдорлар оммавий ахборот воситаларидан гуноҳкор одам кўзини олиб қочганидек, қочмаслиги лозим. Аксинча, танқидни қабул қилиш, ундан хулоса чиқариш ҳам зарур. Ундан тўғри хулоса чиқариш, ўзини ўзи ислоҳ қилиш муваффақиятлар гаровидир.

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйи ва ўрта поғонадаги раҳбарлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув ташкил этиш ўринли, деб биламиз. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мамлакат тараққиётининг энг муҳим шартидир. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга томошабин бўлмаслигимиз, уларнинг ичида бўлиб, дахлдорлик билан ишлашимиз, намуна кўрсатишимиз, камарбаста бўлишимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жипсроқ бирлашишимиз лозим. Зеро, Конституция бирдамлик занжиридир.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## Фармон ижросига бағишланди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Бош прокуратура ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 майдаги "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони ижроси тўғрисида ахборот берилди.

Фармонга асосан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган 575 нафар шахслар афв этилиб, шундан 361 нафари жазодан озод этилди ва 214 нафарининг ўталмаган жазо муддати 1/4 қисмига қисқартирилди.

Жазодан озод этилган 361 нафар шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг барчаси ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига олинди, 257 нафарига биометрик паспортлар берилди, 1 нафар чет эл фуқароси ва 1 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистонда доимий яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда афв этилганларнинг 361 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик хулосаси асосида уларнинг 24 нафари даволаниши ташкил этилди, 6 нафарига нафақа тайинланди.

Шунингдек, афв этилган шахсларга маҳаллий ҳокимликлар томонидан 419,8 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, меҳнатга лаёқатли бўлган 326 нафаридан 315 нафари ишга, 10 нафари ўқишга жойлаштирилди.

Озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашувида ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг яшаш, ўқиш ва иш жойларида 1253 нафар мураббийлар бириктирилди.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари саволларига атрофлича жавоб берилди.

МУНОСАБАТ

**Ўзбекистон катта сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига ўтказиладиган сайловлар арафасида турибди. Сайловлар мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинадиган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларида сайловолди тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, партияларнинг мақсад- вазифаларини очиб бериш учун тарғибот-ташвиқот тадбирлари, митинглар ташкиллаштириб келинмоқда.**

# ШАРМАНДАГА ШАҲАР КЕНГМИ?

## Ёхуд йўқни йўндиришга устаси фаранглар

Хусусан, мана шундай тадбирлардан бири жорий йилнинг 16 октябрь куни Жиззах вилояти, Жиззах шаҳрида ташкил этилди. Мазкур митингни ўтказишдан кўзланган мақсад — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг жорий йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар муносабати билан «Биз коррупцияга қаршимиз" шиори остида партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда партия хайрихоҳларини бирлаштириш ҳамда партия ғояларини кенг тарғиб қилиш бўлди.

Ушбу митинг Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ўзбилармонлиги ёки ўзбошимчалиги билан ўтказилгани йўқ. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мезонлари асосида ташкил этилиб, митингни ташкил этишдан ўн беш кун олдин маҳаллий ҳокимият ҳамда ваколатли давлат органларига мурожаат қилиниб, тегишли рухсатнома олинди.

Митингда ёшлар билан бир қаторда ногиронлиги бўлган шахслар, тиббиёт ходимлари, ёши улуғ меҳнат фахрийларидан иборат саккиз мингдан ортиқ фуқароларимиз иштирок этиб, партиямиз ғоя ва мақсадларини қўллаб- қувватлашди. Табиийки, фуқароларимизнинг турли хил фавқулодда вазиятларда хавфсизлигини ва соғлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилот ва бошқармалар қатори вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ёзма мурожаат қилиниб, тез ёрдам машиналари жалб қилинди. Тиббиёт ходимлари партиянинг асосий электорати ҳисобланади. Қолаверса, партиянинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантиришни давом эттириш, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ҳамда хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилган.

**Митингда тез тиббий ёрдам машиналари иштирокига тўхталадиган бўлсак, улар 25-30 дақиқа давомида тез тиббий ёрдам бўлимининг имкониятидан келиб чиқиб ажратилганлигига холисона ёндашиш лозим. Бунда, биринчи навбатда, фуқароларнинг манфаатлари устунлиги, уларнинг тез тиббий ёрдам хизматига бўлган эҳтиёжи қондирилиши асосий ўринга қўйилган. Ушбу вақтда РШТЁИМ вилоят филиали тез тиббий ёрдам бўлимида захира чақирув хизмати автомашиналарининг мавжудлиги бу ҳолатда ҳеч қандай танқидга ўрин қолдирмайди.** Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги самарали ислоҳотлар сиз-у бизни, барча фуқароларимизни юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган ишларга дахлдорлик ҳисси билан, холис ёндашувимизни талаб этади.

Бундан ташқари, митинг доирасида Жиззах шаҳар Шароф Рашидов шоҳ кўчасининг бир тарафида, яъни "Сўғдиёна" марказий ўйингоҳидан ёшлар форумигача бўлган масофада юриш марофони ўтказилди. Кўчанинг иккинчи тарафида автомобиллар ўз ҳаракатини давом эттириб, марафон автомашиналарнинг ҳаракатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Ёшлар форумида "Биз экстремизмга қаршимиз" шиори остида кўргазмалар, турли хил спорт мусобақалари, китоблар кўргазмаси ва бошқа кўнгилочар тадбирлар давом эттирилди.

Хуллас, "XXI asr" газетаси бундан деярли икки ой бурун (!) ўтказилган митингда тез ёрдам машиналари иштирок этганлигини дастак этиб, 12 декабрь сонида танқидий мақола эълон қилибди (Тезкорликни қаранг-а!). Газета мухбири О.Ражабов муаллифлигидаги мақола "Сайлов ҳангомалари" рукнида "Адолат"нинг адолатсиз митинги" деб номланибди. Бу, шубҳасиз, тирноқ остидан кир қидиришнинг либерелларча кўриниши. Умуман, газета мазкур чиқишида кучаниб бўлса ҳам танқид — танқид учун шиорига амал қилишга уринган. Натижада мақола зўрма-зўраки, асл ҳақиқатга зид ҳолатда ёзилган.

Биз ўйлаймизки, ижтимоий-сиёсий газетанинг савиясини бундай мўрт чиқишлар белгиламайди. Ёзаман деган журналист учун ҳақиқий муаммо ҳаётимизда, жамиятимизда тиқилиб ётибди. Шундай экан, асли йўқ нарсадан муаммо қидириб, гўёки уни топган ҳам бўлиб ўзимизни кулгига қолдирмайлик. Хитойликларнинг бир мақолини эслайлик: "*Қоронғи хонадан қора мушукни ахтарманг, айниқса, у хонада йўқ пайтида...*"

**Достон ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Фуқаролар манфаати ҳимоя қилиниб, уларга қулайликлар яратилмоқда

1 Йиғилишда дастлаб мамлакат бюджети шакллантирилишига хизмат қилувчи ва барча фуқаролар учун муҳим аҳамият касб этадиган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда "Адолат" СДП фракцияси депутатлари ҳам фаол иштирок этишди. Муҳокамаларда депутатлар иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, солиқ солишни соддалаштириш, солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш, лойиҳадаги қарама-қаршиликлар бартараф этиш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция депутатлари томонидан эътироф этилганидек, қонун лойиҳасини маромига етказилишида қатор таклифлар илгари сурилди ва уларнинг аксарияти қабул қилинишига эришилди. Хусусан, солиқ тўловчилар томонидан ортиқча сарсонгарлиликни олдини олиш мақсадида солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб тўлаш ваколатини фақат Давлат солиқ қўмитаси томонидан эмас, балки ҳудудий солиқ идораларига ҳам бериш масаласи илгари сурилди.

Йиғилишда депутатлар лойиҳанинг мукаммалигини ва солиқчи ҳамда солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстона олиб борилишини таъминлаш мақсадида ортиқча текширишлар олдини олишга аҳамият қаратилди. Бунда амалдаги Солиқ кодексидан фарқли равишда солиқ органлари жавобгарлиги кучайтирилиб, солиқ аудити натижасида ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқни қайтариш механизми соддалаштирилишига ҳам эришилди.

Қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиш мезонлари қайта кўриб чиқилди ҳамда умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ тизимлари ўзаро уйғунлаштирилишига эришилди.

Депутатлар таклифи асосида солиқ имтиёзлари барча учун баробар бўлиши принципи лойиҳада қатъий белгилаб қўйилди. Имтиёзнинг барча учун тенг бўлиши ижтимоий адолат тамойилларига мосдир. Айрим тоифаларга солиқ имтиёзлари берилиши бошқа солиқ тўловчиларнинг норозилик кайфиятини келтириб чиқаради ва яширин иқтисоднинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, фракция аъзолари берилаётган имтиёзлар самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизим яратиш лозимлиги таклифини илгари суришди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, солиқчи ва солиқ тўловчи, шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқлар маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг шакл ва услубларини жорий этиш масаласи ҳам лойиҳада акс эттирилди. Шунингдек, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан ушбу лойиҳа мукаммаллигини таъминлаш мақсадида жойларда партия фаоллари ва экспертлари, бошланғич партия ташкилотлари соҳа мутахассислари иштирокида қатор муҳокамалар ташкил этилди. Ушбу йиғилишларда илгари сурилган 30 дан ортиқ таклифлар Қонунчилик палатасида тузилган ишчи гуруҳига тақдим этилди ва уларнинг аксарияти лойиҳада акс этишига эришилди. Албатта, бу каби муҳокамалар лойиҳанинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар таъкидлаб ўтишганидек, ушбу лойиҳада акс этган нормалар "Адолат" СДП ғояларига мос бўлиб, партия солиқ сиёсатидан мамлакат ва фуқаролари манфаатлари учун оқилона фойдаланиш, солиқ қонунчилиги барчага баробар бўлиши, солиқларни пасайтириш фақатгина катта ижтимоий мақсадларга эришиш учун амалга оширилиши ҳамда солиқ таътиллари, солиқ кредитлари каби солиқ воситалари қўлланилишига алоҳида эътибор қаратади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди ҳамда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади.

Йиғилишда "Нотариат тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, бугунги кунда давлат нотариал идоралари аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишда турли ноқулайликлар ва навбатлар вужудга келиши натижасида коррупцион ҳаракатлар учрамоқда. Шунингдек, нотариал ҳаракатлар сони ортиб бораётган бир шароитда давлат нотариал идораларига қўшимча штат бирликларини жорий этиш жараёнининг мураккаблиги мурожаат этувчилар томонидан ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Илғор хорижий тажриба жисмоний ва юридик шахсларнинг низоларнинг олдини олиш функциясини бажарувчи нотариатнинг фаол нодавлат моделига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганини инобатга олиб, мазкур лойиҳа ишлаб чиқилгани фракция аъзолари томонидан диққатга молик иш сифатида баҳоланди.

Фракция аъзолари эътироф этганидек, ушбу лойиҳа фуқароларга бир қатор қулайликлар яратади. Шу мақсадда қонун лойиҳаси орқали давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нотариатнинг нодавлат шаклига ўтказиш белгиланмоқда. Айниқса, лойиҳа билан мамлакатимизда янги ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг ташкил этилаётгани ва унинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланаётгани депутатлар томонидан ушбу соҳадаги янги давр, дея баҳоланди.

Ушбу лойиҳа билан айрим турдаги битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартибини бекор қилиш, соддалаштирилган тартибдаги янги турдаги нотариал ҳаракатларни жорий этиш, масофадан туриб, шу жумладан, видеоконференцалоқа орқали нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда нотариусга электрон мурожаат қилиш механизмини такомиллаштириш амалиёти яратилади. Натижада фуқароларга тезкор нотариал хизматлар кўрсатиш ва уларга қулайликлар яратишга эришилади.

Таъкидланганидек, хорижий давлатларда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишда нотариатнинг фаол нодавлат модели истеъмолчиларнинг талаблари доирасида тез ўзгара олиш қобилиятига эга. Шунга кўра, нотариат институтини низоларнинг олдини олиш воситаси сифатида такомиллаштириш давлат хизматларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, йиғилишда яна бир қатор бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Анвар ЭГАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ижрочи котиби**




### СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАР ҲУКУМАТ ТЕПАСИДА



**"ВВС» хабарига кўра, Финландия транспорт вазири Санна Марин 34 ёшида мамлакат бош вазири бўлди.**

Мариннинг номзодини унинг партияси – социал-демократлар ҳукумат раҳбарлигига илгари сурган. У истеъфога чиққан бош вазир Антти Ринненинг ўрнини эгаллайди.

Якшанба куни Санна Марин партиялар раҳбарлари ўртасида ўтказилган овоз беришда энг кўп овоз йиғди, амалдаги ҳукумат раҳбари Ринне иккинчи ўринни олди.

2015 йилдан буён Финландия парламенти аъзоси бўлиб келаётган сиёсатчи 5 нафар аёл раҳбарлигидаги 5 та партиядан иборат коалицияга раҳбарлик қилади.

Маълумки, расмий Ҳельсинки йил охиригача қадар Европа Иттифоқига раислик қилади ва Европа ҳамжамиятининг янги бюджети ишлаб чиқилишида асосий роль ўйнайди.

Марин Ҳельсинкида туғилган. Тампере университетида сиёсий фанлар бакалаври даражасини олган, 27 ёшида шу шаҳар кенгаши раисига айланган. Шундан сўнг у социал-демократлар партиясига аъзо бўлиб, партия раисининг биринчи ўринбосари даражасига кўтарилган. У 2015 йилги сайловда парламентдан жой олиб, 2019 йил июнида транспорт вазири этиб тайинланган эди.

Финландиядаги энг йирик нашр – «Helsingin Sanomat» газетаси хабарига кўра, Марин ушбу мамлакат ҳукуматини бошқарадиган учинчи аёл бўлади.

### ФАЗОГИР КОИНОТДАН БАЁНОТ БЕРДИ



**Ҳозирда Халқаро коинот станциясида қолаётган италиялик фазогир Лука Сальво Пармитано Мадридда ўтаётган БМТнинг иқлим бўйича анжумани COP25'да станциядан туриб иштирок этди.**

Италиялик фазогирнинг айтишича, одамларни бирлаштиришнинг усулларидан бири — «умумий душманни топишдир». «Бизнинг оламни барбод қилаётган биринчи рақамли душман — иқлим ўзгаришлари, ҳароратнинг ошишидир. Бу умумий душмандир ва биз унга қарши бирлашмоғимиз лозим», деб айтган фазогир.

У кўплаб давлатларнинг коинотда муваффақиятли ҳамкорлик қилаётганини «турли оламлар бирлашувига» мисол қилиб келтирган. Фазогирнинг таъкидлашича, у коинот станциясидан сайёрамизда юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сентябрда АҚШга ёпирилган Дориан довули, тошқинлар оқибатларини ва вулқонлар фаоллашуви олиб келган вайронгарчиликларни кўрган.

«Сайёрамизни коинотдан кўрганингда ўзингни қандай ҳис қилишингни сўз билан таърифлаш қийин. Сайёрамиз гўзал. Коинотдан бошқа бирорта нуқтадан кўриб бўлмайдиган деталларни кўриш мумкин, бироқ бу ердан сайёрамизнинг қанчалик ожизлиги ҳам кўринади. Сайёрамиз ягона. Бизда бошқа сайёра йўқ. Фарзандлар, набиралар келажаги учун бугун нимадандир воз кечиш керак. Бунга соф транспорт, соф энергия, соф ҳаво — буларнинг барчасига технологиялар туфайли эриша оламиз», дейди фазогир.

Мадриддаги иқлим бўйича анжуманда 200 дан кўпроқ давлат вакиллари иштирок этмоқда.

### «ЙИЛ ОДАМИ» «ҚАРИЯ»ЛАРГА ЭМАС, «ЁШ»ЛАРГА




**«АР» хабарига кўра, швециялик 16 ёшли экофаол Грета Тунберг «Time» журнали томонидан «Йил одами» деб топилганидан «бироз таажжубдалигини» айтди. Ўсмир қиз билан бирга бу номни олиш учун АҚШ президенти Дональд Трамп ва Хитой раиси Си Цзиньпин рақобатчилик қилган.**

Тунберг айни вақтда Мадриддаги иқлим анжумани COP25'да иштирок этмоқда. Аввалроқ у «Мақбул ҳаёт тарзи учун» «муқобил» Нобель мукофоти совриндорларидан бири бўлганди.

Тунберг «Йил одами» мукофотини атроф-муҳит ҳақида қайғурувчи барча ёш фаолларга бағишламоқчилигини айтган. Қиз унинг иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилиш учун бирлашиш чақириғига ниҳоят қулоқ солинаётганига умид билдирган.

Журнал ходимлари Гретанинг океан бўйида тушган суратига «Ёшлик кучи» деб изоҳ қолдиришган. Шунингдек, Гретанинг «Биз гўёки эртамиз йўқдек яшашда давом эта олмаймиз, чунки у мавжуд», деб айтган.

### ШВЕЙЦАРИЯДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ



**Швейцария парламенти қўшма мажлисида ҳукумат — Федерал кенгаш аъзолари орасидан 2020 йил учун мамлакат президентини сайлади.**

Партиялар келган қарорга кўра, атроф-муҳит, транспорт, энергетика ва алоқа вазири Симонетта Соммаруга президент этиб сайланган.

Вице-президент лавозимини иқтисодиёт, таълим ва тадқиқотлар вазири Ги Пармелен эгаллаган. Шунингдек, 4 йиллик муддатга 7 вазир — Федерал кенгаш аъзолари танлаб олинган. Расман мамлакатни бошқариш кенгаш аъзолари томонидан жамоавий тарзда амалга оширилса-да, улардан ҳар бири навбати билан президент лавозимини эгаллайди.

### «NCR» КОРПОРАЦИЯСИ КАЛАМАЗУ ДАРЁСИНИ ИФЛОСЛАНТИРДИ




**АҚШ Адлия вазирлиги «NCR» корпорацияси Мичиган штатидаги Каламазу дарёсини кўп йиллар давомида ифлослантиргани учун 245 миллион АҚШ доллари тўлайди, деди ўз баёнотида.**

Гап 1970 йиллардан бошлаб юз берган ифлослантириш ҳақида бормоқда. Ўшанда қоғоз ишлаб чиқариш саноати полихлорланган бифениллар сақловчи чиқиндиларни оммавий равишда дарёга ташлаган. Бу моддалар тез йўқолмайдиган органик ифлослантирувчилар гуруҳига киради.

«NCR» дарёнинг 130 километрлик қисмини тозалаш учун 135,7 миллион доллар ва қўшимча харажатлар учун АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигига 76,5 миллион доллар тўлайди. Бундан ташқари, 27 миллион доллар дарёни муҳофаза қилиш жамиятига, 6 миллион доллар штат ҳукуматига тўланади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## "ADOLAT" ШАРҲИ

Сўнгги маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамизда қарийб 1 миллиард нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёт кечирмоқдалар. Мамлакатимизда уларнинг сони 715 минг нафардан ортиқни ташкил этади. Имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш борасида сайлов қонунчилиги ва амалиётида шу вақтга қадар дунё бўйлаб муайян даражадаги ишлар амалга ошириб келинмоқда.

# Имконияти чекланган шахсларнинг сайлов ҳуқуқи:

## хорижий амалиёт ва миллий тажриба

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 13 декабрдаги 61/106 резолюцияси билан қабул Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси 2009 йил 27 февраль куни қўшилган.

Мазкур Конвенциянинг 29-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш чоралари кўзда тутилганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёнинг барча мамлакатларида сайловларнинг тобора такомиллашиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишлари учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатининг 7.3-параграфидаги умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари, шунингдек, БМТнинг "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 29-моддасида кўзда тутилган имконияти чекланган шахсларга сайлов ҳуқуқини самарали таъминлаш бўйича мажбуриятларда ўз аксини топган.

Қуйида "ЕХҲТга аъзо давлатлар сайлов қонунчилиги ва амалиёти шарҳи"да санаб ўтилган айрим чет эл мамлакатларида имконияти чекланган шахсларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

**Австрияда** кўплаб сайлов участкаларида имконияти чекланган, жумладан, кўриш қобилияти чекланган сайловчиларнинг овоз бериши учун зарур шароитлар яратилган. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир шаҳар ҳокимлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг овоз беришини ташкил қилиш учун зарур жиҳозлар билан камида битта сайлов участкасини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

**Данияда** 2015 йил 18 август куни бўлиб ўтган парламент сайловлари арафасида ногиронлиги бўлган сайловчиларга овоз беришда қулайлик яратиш мақсадида қонунчиликка сайлов участкасини ўзгартириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, сайловчилар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган сайловчилар сайлов куни овоз беришда қатнаша олмайдиганлар муддатидан олдин овоз беришлари мумкин.

**Исландияда** ҳам овоз бериш кабиналарида Брайль шрифтида босилган номзодлар рўйхати ва бошқа маълумотлар мавжуд. Агар овоз бериш жараёнида сайловчи ёрдамга муҳтож бўлса, у участка сайлов комиссиясининг исталган аъзосига шундай илтимос билан мурожаат қилиши мумкин.

**Испанияда** 2008 йил 9 мартдаги парламент сайловлари арафасида сайлов қонунчилигига ногиронлиги бўлган шахслар учун овоз бериш ва уларнинг овоз бериш махфийлигини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартишлар киритилди.

**Италияда** имконияти чекланган сайловчилар учун махсус овоз бериш кабиналари тайёрланади. Саломатлиги ёки жисмоний имконияти чекланганлиги туфайли сайлов участкасига шахсан кела олмаган сайловчилар учун уйда овоз беришга имкониятлар яратилди.

**Латвияда** ҳам қонунчилик овоз беришни сайлов участкасидан ташқарида, яъни уйда имконияти чекланган сайловчилар учун ташкил этиш ва ўтказиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловида имконияти чекланган шахслар учун бир қатор шароитлар яратилганлиги ЕХҲТ/ДИИҲБ томонидан эътироф этилган. Жумладан, ЕХҲТ/ДИИҲБнинг якуний ҳисоботида кўрсатилишича, имконияти чекланган фуқароларларнинг сайловда мустақил қатнаша олишларига ёрдам бериш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг 773-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, сайлов участкаларида ногиронлар аравачаси юриши учун барча қулайлик яратилган. Алоҳида овоз бериш кабиналари ҳам таъминланган. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, сайловда 39 минг нафар кўзи ожиз сайловчи қатнашган, ҳар бир сайлов участкасида пандус йўлаги билан созланиб, кабиналарнинг бири ногиронларнинг овоз бериши учун ажратилган. Қолаверса, кўзи ожиз фуқароларга янги қонунчилик талабидан келиб чиқиб, Брайль алифбосида сайлов мавзуси бўйича турли рисолалар чоп этилган.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 31, 49 ва 50-моддаларида имконияти чекланган шахслар сайлов ҳуқуқини самарали амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган жисмоний имконияти чекланган сайловчилар учун аниқ ҳуқуқий нормалар мавжуд.

Масалан, Сайлов кодексининг 31-моддасига мувофиқ сайлов бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкин. 50-моддасига биноан жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари, улар ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлкалар назарда тутилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, Сайлов кодексининг 56-моддасига асосан айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон Карлар жамияти билан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув меморандуми имзоланди. Келишувларда имконияти чекланган шахсларни ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайловларда фаол иштирок этишини, сайлов ҳуқуқини таъминлашга доир аниқ тадбирлар белгиланган.

Мақсад — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни бирлаштирган жамиятлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан иборат.

Зеро, Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, фуқаролар жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканини кўрсатиш мақсадида, айниқса, сўнгги йилларда республикамизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларга барча соҳаларда бўлгани каби сайловларда иштирокини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сон фармони алоҳида ўрин тутади. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш жараёнида турибди. Бу эса бугунги кунда имконияти чекланган шахсларнинг жамиятга интеграциялашувини оширишда қонунчилик соҳасидаги навбатдаги ислоҳотлардан бири бўлади, албатта.

Сайлов кодекси асосида илк бор жорий йил декабрь ойида парламент ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига бўлиб ўтадиган сайловлар эса, мамлакатимизнинг ногиронлиги бор фуқароларига ҳам сайлаш ва сайланиш, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш каби ўз конституциявий ҳуқуқларининг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади.

**Луқмонжон ИСОҚОВ,**
**Бош прокуратура Академияси маъсул ходими**

# Сенатор Самарқанддаги хотин-қизлар муаммоси борасида аччиқ ҳақиқатларни ошкор этди



5 мингдан ортиқ шаърий никоҳ, Оқдарёдаги тунги барларда юрган қизлар, Ургутдаги эрта турмушга бериш муаммолари, касалликка чалинишлар, қизини қаматиб юборишни илтимос қилган она ва Пайариқда эри томонидан қасддан ўлдирилган аёлнинг ўлими олдидан қурилган суҳбат ҳақида...

Жамиятимизнинг барча жабҳаларида, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими дейсизми, транспорт ёки алоқа соҳаси деймизми барчасида фидойи хотин-қизларни кўрамиз. Зукко қиз, фозила аёллар фан, санъат, маданият ва спортда ҳам юқори марраларни забт этишмоқда. Аммо ўз бахтини тополмай, ҳаёт йўлида адашган, зўравонликка учраб изтироблар ичида, бошпанасиз қолганлар ҳам борлиги рост гап. “Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани ҳам бу борада ечилиши керак бўлган муаммолар учрашидан дарак.

Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, **сенатор Гавҳар Алимова** билан суҳбатимиз хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги ютуқлар ва камчиликлар мавзусида бўлди.

— Беш қўл баробар эмас, — **дейди сенатор Г.Алимова.** — Кимдир бахтли, эркин яшайди. Яна биров тикувчилик қилиб, сузма сотиб болаларини боқади, ўқитади. Турмуш ўртоғи олиб келган маҳсулотларни эплаб пишириб бера олмайдиганлар ҳам учрайди. Бошқаси ҳар қадамда калтакланади. Аслида инсон борки, нима билан дир шуғуланиши, ҳаётдан завқланиб яшаши керак. Шу боис биз хотин-қизларни тушкун кайфиятдан, зўравонликдан ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Бош қомусимизда эркак ва аёл тенг ҳуқуқли дейилган бўлса-да, нега улар тенг эмас? Биз доим аёллар билан ишлаймиз, лекин нега эркаклар билан ҳеч бир ташкилот шуғулланмайди? Бунда “Нуроний”, маҳалла посбонларининг ўрни қани? Мисол учун, яқинда Пайариқда эркак аёлини қасддан ўлдирди. Мен ўша аёл билан суҳбат қурган эдим. Қўлимда у аёл билан қилинган суҳбатлар ва тушунтиришлар жамланган катта папка бор. Эркак билан эса ҳеч ким суҳбатлашгани, гаплашгани йўқ. Оқибатда фожиа юз берди.

***— Бу каби ҳолатлар кейинги вақтда кўпайиб бормоқда. Ана шундай воқеа эртага яна бошқа бир оилада юз бермаслигига кафолат борми?***

— Олдин муаммоларни яширардик, энди уларни очиқча айтяпмиз. Шу мақсадда ҳар бир ҳудудда 30 нафардан иборат жамоатчилик гуруҳи фаолият юритиб, муаммоларни аниқланмоқда. Хусусан, йил давомида тўрт мингта оғир аҳволдаги аёллар рўйхати шакллантирилиб, 80 фоизига ёрдам берилди. Имтиёзли кредитлар, имконияти чекланган фуқароларга аравачалар, қўлтиқтаёқ олиб беряпмиз. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, бандликни таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

***— Кўпгина хотин-қизлар оилавий муаммоси ҳақидаги ҳикоясини тингласак, “учинчи шахс”нинг аралашуви туфайли тақдири ўзгариб, бахтсиз бўлаётганини кузатиш мумкин?***

*— Минг афсуски, оилада учраётган зўравонликларда учинчи шахс, айниқса, қайноналарнинг аралашуви учрайди. Лекин баъзида шунга мажбур ҳам бўлади. Келиннинг қўлидан иш келмайди, тили эса жуда узун. Бундай пайтда эркак ғазабланиб, масъулиятсизлик билан фарзандлари онасига зўравонлик қилиши бор нарса.*

Бундай вақтда кўп ҳолларда аёллар жабрланади. Сабаби, шаърий никоҳ билан оила қурилган. Тазйиқ бўлганда, ажрим ҳолати юзага келганда аёл ҳеч қандай ҳимоясиз, уйсиз, кўчада қолади. Ҳар бир аёл ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун, аввало, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак. Баъзи ота-оналар эр чиқди, бериб юборсам, ҳаёти давом этади, деб адашади. Қонуний никоҳ асосида, муносиб турмуш қурадиган йигитга бериш хаёлига ҳам келмайди.

***— Қонуний никоҳдан ўтмаслик, туғиладиган фарзанднинг тақдирига қандай таъсир қилади?***

— 2018-2019 йилларда вилоятимизда 5 мингдан ортиқ шаърий никоҳ билан яшаётган оила аниқланди. Ҳозирда уларнинг 4 мингтаси ФҲДЁдан ўтказилди. 300 яқин фуқаро қонуний никоҳдан ажрашмаган бўлса-да, бошқа оила қурган.

Бунда улар тиббий кўрикдан ҳам ўтмай оила қурган. Ўйлаб кўринг, йигит ёки қиз ҳар хил, жумладан, юқумли касалга чалинган бўлиши ҳам мумкин. Яқинда бир аёл йиғлаб келди, шаърий никоҳ билан турмушга чиқиб, эридан сил юқтирган. Яна бир аёлни ўргандим. Турмуш қургач, олти ойдан кейин соғлиғи ёмонлашган, ҳомиладор бўлсам керак деган фикрда шифокорга борса, СПИД аниқланган. Мана шаърий никоҳ оқибати. Бундай ҳолатда фарзанд соғлом бўлиши, унинг тақдири гўзал бўлишига ким кафолат беради?

***— Қайси ҳудудларда хотин-қизлар билан боғлиқ зўравонлик ҳолатлари, кам таъминланганлик, ишсизлик кўп учрайди?***

— Оқдарёда тунги барларда юрган қизлар бизни қийнамоқда. Бунда асосий муаммо онада. Кечаси қизи чиқиб кетса, она қандай қилиб билмаслиги мумкин. Яқинда 16 ёш қизнинг ҳомиладорлиги аниқланди. У 15 ёшда шу йўлга кирган, она билмадим, дейди елка қисиб. Бу жавобми? Нима учун қизини тарбияси билан шуғулланиб, дилдан суҳбатлашмайди. Нега ота ўғлининг юриш-туришини назорат қилмайди, ўтириб гаплашмайди. Қани, оилада отанинг ўрни?

Тўғри, мактаб-чи, деймиз, у таълимга жавоб беради. Маҳалла деймиз, қарайди қиз кўчада тинч юрибди. Ҳамма нарса оилада, уйда юз бермоқда. Мисол учун, куни кеча 17 ёш қиз уйдан чиқиб кетган. Онаси телефон қилиб “Илтимос, шу қизимни қаматиб юборинг”, дейди. Ёш қиз ичаркан, чекаркан, уйдан чиқиб кетиб, бир ҳафта, ўн кун йўқ бўлиб кетармиш. Ҳаракат қилиб, бир кунда топдик. Шаҳарга олиб келиб, психолог бириктирдик. Битта дарсдан кейин қочиб кетди. Психолог ҳафтасига уч марта қатнаб, қизнинг уйига бориб дарс ўтмоқда. Тарбия оилада бўлмагандан кейин қийин экан.

Пастдарғом, Ургут туманларида ҳам қатор масалалар мавжуд. Бу ҳудудларда аҳоли зич жойлашган, кам таъминланганлар ҳам нисбатан кўпроқ. Ургутдаги энг катта муаммо қизларнинг эрта турмушга берилиши. Аёл фақат бола катта қилади, рўзғор қилади, деган тушунчалар даври ўтди. Қизларга замонавий билим бериш, ўқитиш, керак бўлса, кучли тадбиркор ва сиёсатчи қилиб тайёрлашимиз керак.

***— Кейинги вақтларда маҳаллаларда, туман, вилоят кесимида тадбирбозликлар авж олган? Қачон ишлаб бўлади, бундай ҳолатда?***

— Шунинг учун маҳаллада ҳисобот учун ўтаётган тадбирларга чек қўйиб, мутахассисларни жалб қилиб, жойларда манзилли, аниқ тарғибот ўтказишимиз керак. Тўғри, биз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, билимларини бойитишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун тадбирларни кўпайтирмаслик, уларни юзаки ўтказмаслик керак. Энг ёмони нима, биласизми? Бундай йиғилишларга масъулиятли одамлар келади. Ичкиликка берилган эркак ёки тазйиққа учраётган аёллар келмайди. Муаммосини яширади. Энди яшириш вақти ўтиб кетди. Маҳаллага чиқиб мурожаат қилиши керак.

Ҳозирда бандлик масаласи Ургутда кўрилмоқда. Трикотаж ишлаб чиқаришга мўлжалланган иншоотлар Пайариқда қурилди. Энг оғир туманлар — Қўшработ, Оқдарё, Иштихонда катта тикув цехлари ишга туширилди. Бу каби ишлаб чиқариш корхоналари янада кўпайса, муаммоларни ечиш ҳам осонлашади. Бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳам кенг ҳамкорлик қилинмоқда. Мисол учун, Европа Иттифоқи, Франциянинг ACTED гуманитар ёрдам ташкилоти кўмагида чекка қишлоқлардаги қийналган хотин-қизларга қайтарилмайдиган кредит бериш йўлга қўйилди. Бу пуллар уларга қорамол, тикув машинаси, сартарошхона учун жиҳозлар, асалари уялари, иссиқхона ташкил қилишига бемалол етди.

**Сайёра ШОЕВА**

Манба: uza.uz

## ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

# Ўзимизнинг пулимизни қачон оламиз?

*Фермер хўжалигимизда 50 нафар ишчи ишлайди. 2019 йили пахтадан ҳам, ғалладан ҳам мўл ҳосил етиштириб, давлат хирмонига етказиб бердик. Бизни ранжитаётган ҳолат шуки, нимагадир ҳосилимизнинг ҳақини ўз вақтида ололмаяпмиз.*

*Жумладан, ўтган 2018 йилда етиштирган уруғлик пахтамиз ҳақидан 16 000 000 сўмни ҳозиргача “Боғдод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти” ҳисоб-рақамимизга ўтказиб бергани йўқ. 2019 йилда етиштирган пахтамиз учун эса шу жамиятда 120 000 000 сўмдан ортиқ пулимиз турибди! Агар пулларимизни беришса, келгуси йил ҳосили учун замин яратардик, яхши ишлаган ишчиларимизни тақдирлардик. Янги транспорт, техника ҳам олишимиз керак. Мен ҳар доим матбуотга, хусусан, “Адолат” газетасига ишониб келганман. Газетангизнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман, унда чоп этилаётган мақолаларни ўқиб, жамиятимизда учраб турадиган муаммолар ечилишига ўз ҳиссангизни қўшаётганликларингизни ҳис қиламан.*

*Ҳурматли таҳририят! Аризамни чоп этсангизлар. Зора, ана шундан кейин “Бағдод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти” раҳбарияти биз пешона тери билан яратган пахта ҳосилимиз учун тўланиши керак бўлган 136 000 000 сўмни ҳисоб-рақамимизга ўтказиб беришса.*

**“Олтин куз” фермер хўжалиги аъзолари номидан**
**Мастура ПЎЛАТОВА**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

### ДЕҲҚОННИ РАНЖИТМАНГ, ЖАНОБ КОРЧАЛОНЛАР!

Куни кеча, Конституция байрами билан бир кунда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини нишонладик. Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганидек: ***“Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир”.***

Дарҳақиқат, деҳқон бой бўлса халқ бой бўлади. Афсуски, эл бошига кўтарадиган, бизни тўйдирадиган, кийинтирадиган деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатини рағбатлантириш ўрнига уларнинг қонуний ҳақини вақтида бермасдан, аччиқ ичакдай чўзиб юрадиган раҳбарлар ҳам учраб турибди. Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган таҳрирсиз хат шундай ҳолатларнинг бор-йўғи биргина исботи.

Ўйлаймизки, яра маддаламасдан туриб ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараётган айрим раҳбарлар эс-ҳушларини йиғиштириб оладилар.

Демак, биз бу мавзуга яна қайтамиз.

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ҳозир барча фуқароларнинг шахсий пластик картаси бор. Пул маблағларини пластик картада сақлаш ва ишлатиш қулай, хавфсиз ҳисобланади. Аммо сизнинг пластигингиздаги пул ўз-ўзидан “ечилиб” қолса-чи? Буни ким амалга ошириши мумкин?..

# Ўғри “банкир”




Яқинда Фарғонада худди шундай ғалати воқеалар рўй берди. АТ “Халқ банк” Ёзёвон филиали бўлим ходими вазифасида ишлаб келган Д.У. хизмат мавқеидан фойдаланиб, қинғир ишларга қўл урди.

У банкдаги NCI дастурининг “Uzcard” модули орқали фуқароларнинг пластик карталаридаги SMS хабар хизмати ва “click” тўлови ҳамда пул ўтказиш хизматини ўзининг телефон рақамига яширин равишда улаб, турли миқдордаги пулларни хуфёна равишда ўзлаштириб юборади. Шунингдек, мазкур банкда плактик картаси бор фуқароларнинг номига қўшимча карта очиш йўли билан ҳам кўп миқдордаги маблағни ўзлаштиради. Жумладан, 2017-2018 йиллар давомида 8429266 сўм пулни қўлга киритади.

Банк ходимининг қинғир ишлари алалоқибат фош бўлди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган ҳужжатлар судга тақдим қилинди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Ёзёвон туман судида Д.У.га нисбатан 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазосини тайинланди.

**Рустамжон АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси терговчиси, капитан.**




## ҚУТЛОВ

# Ҳамкасбимиз — танлов ғолиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси томонидан ўтказилган “Адолат — қонун устуворлигида” танлови якунланиб, ғолиблар эълон қилинди.

Мазкур нуфузли танловда иштирок этган таҳририятимиз ходими Саодат Раҳимованинг ижодий ишлари фахрли иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиб ҳамкасбимизни чин кўнгилдан қутлаймиз!

**ТАҲРИРИЯТ**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (132); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (132); 90 *900-72-15*

**Навбатчи муҳаррир** — Камол Матёқубов
**Навбатчи** — Фурқат Тожиев

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 1899
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 22.22
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 4 5 6